

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК:336(575.1)

ХАКИМОВ НОДИР НАЗАРОВИЧ


ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА
ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Худойкулов Садирдин Каримович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



Тошкент шаҳри-2023 йил

МУНДАРИЖА:

	КИРИШ	3
I БОБ	МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	14
1.1§	Молиявий назоратнинг иқтисодий, социал ва ҳуқуқий мазмуни.....	14
1.2§	Давлат молиявий назоратини ташкил этишнинг назарий-услубий асослари.....	30
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	47
II БОБ	ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ	49
2.1§	Давлат молиявий назоратининг ташкилий-услубий хусусиятлари.....	49
2.2§	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш йўналишида молиявий назорат амалиёти таҳлили.....	60
2.3§	Давлат мақсадли фондлари ва бошқа давлат маблағлари бўйича молиявий назорат натижалари таҳлили.....	74
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	93
III БОБ	ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	96
3.1§	Давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва амалга оширишнинг халқаро тажрибаси.....	96
3.2§	Ўзбекистон молия тизимида давлат молиявий назорат механизмларини такомиллаштириш масалалари.....	108
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	122
	ХУЛОСА	124
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	128

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида етакчи молиявий институтлар томонидан ажратилаётган кредит ва молиявий ёрдам шаклидаги маблағлар, шунингдек, мамлакатлар давлат бюджети ва бошқа пул фондларидан турли йўналишларда ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилганлиги юзасидан молиявий назоратни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кенгайиб бормоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, “2021 йилда жаҳон банки томонидан Covid-19 пандемияси оқибатларини бартараф этиш мақсадида ажратилган 157 млрд. доллар, камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган 83 млрд. доллар, иқлим ўзгаришига қарши чора-тадбирлар учун ажратилган 26 млрд. доллар ва соғлиқ сақлаш тизимини ривожлантириш учун берилган 8,4 млрд. доллар миқдоридаги маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланганлиги юзасидан ўтказилган молиявий назорат тадбирлари натижасида 946 млн. доллар ҳажмидаги маблағлар нотўғри сарфланган, талон-тарож қилинган ва молиявий қонунбузилишларга йўл қўйилган”¹. Бундан кўринадики, давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш механизминини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда глобаллашув ва рақобатнинг кучайиб бориши шароитида давлат молиявий назоратини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш масалаларига оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Давлат молиявий назоратининг тамойилларини аниқ белгилаш, унинг мақсади ва йўналишларини тўғри аниқлаш, уни амалга ошириш методларини аниқлаш, молиявий назоратни амалга оширувчи ваколатли органларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, давлат молиявий назорати даражасининг молиявий маблағлардан самарали фойдаланишга таъсири, мазкур жараёнларни баҳолаш услубиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

¹ <https://www.imf.org/external/pubs/ft/ar/2021/eng/downloads/imf-annual-report-2021-ru.pdf>